

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 24 август жума

Сотувда эркин нархда
№ 168-169 (2730-2731)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ


**Ислом КАРИМОВ:**

***Сизларга тилагим шуки, барчангиз мана шу қутлуғ даргоҳда униб-ўсинг, ўз бахтингизни топинг, ишда, ҳаётда янги-янги ютуқларга эришинг. Қачонки, олдингизда бирон-бир ғов-тўсиқ пайдо бўлса, уни енгишда, мени ёнингизда елкадош деб фараз қилсангиз, ўзимни бахтиёр деб ҳис қилардим.***

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР РЎЁБГА ЧИҚМОҚДА

**Мустақиллигимизнинг муборак ўн йиллик тўйи арафасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширадиган, юзлаб ёшларни малакали иш билан таъминлайдиган, энг муҳими, пахта толасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган яна бир корхона ишга тушди. Фарғона шаҳрида Жанубий Корея ва Япония билан ҳамкорликда барпо этилган "Кабул-Фарғона компани" қўшма корхонасининг биринчи навбати маҳсулот бера бошлади.**



Фарғона тўқимачилик комбинати негизида ташкил этилган мазкур замонавий корхона йил давомида 25 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, ундан 21 минг 600 тонна калава, 12,3 миллион погон метр бўз ишлаб чиқариш қувватига эга. Янги корхона тўла қувват билан ишга тушгач, икки минг уч юз нафар йигит-қиз иш билан таъминланади.

23 август куни мазкур корхона биринчи навбатининг очилиш маросими бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган элчихоналар, хорижий компанияларнинг ваколатхоналари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, Корея Республикаси ва Япониядан келган ишбилармон доиралар делегацияларининг аъзолари иштирок этди.

Маросимни Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари, аввало, юртдошларимизни, меҳмонларни қадимий ва мўътабар Фарғона заминида замонавий, кўзни қувонтирадиган, ҳашаматли ишлаб чиқариш мажмуасининг ишга туширилиши муносабати билан самимий табриклади. Янги корхона ўрнида мавжуд бўлган Фарғона тўқимачилик комбинати тарихини эслар экан, Юртбошимиз мустабид тузим замонида унга ўрнатилган дастгоҳ ва ускуналар, ишлатилган технологиялар, ишчиларга яратилган шарт-шароит энг оддий талабларга ҳам жавоб бермаганини таъкидлади. Янги тўқимачилик мажмуи эса юксак технологияси, замонавий ускуналари билан ажралиб туради. Хорижга хомашё эмас, тайёр маҳсулот сотиш орқали ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, ишсизликни кескин камайтириш муаммоси ҳал этилади.

Мамлакатимизда енгил саноат, шу жумладан, пахта толасини қайта ишлаш корхоналари тармоғи тез суръатлар билан ривожлантирилмоқда. Сўнгги беш йил мобайнида ўн битта замонавий тўқимачилик корхонаси қуриб ишга туширилди. Бу соҳани ривожлантиришда хорижлик ҳамкорларнинг хизмати катта бўлмоқда. Чет эл сармоядорларининг имкониятларини ўзимизнинг иқтисодиётимизга жалб этиш, хорижий ҳамкорларимизнинг ишончини қозониш — келажагимиз учун, юртимизни обод қилиш учун нақадар муҳимлигини янада чуқурроқ англаб олмоқдамиз.

Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёнинг етакчи тўрт давлати сирасига киради. Пахта толаси экспорти ҳажми бўйича эса иккинчи ўриндамиз. Лекин шўролар замонида пахтамиз хомашё сифатида марказга ташиб кетилар, уни қайта ишлашдан келадиган фойда марказнинг ғазнасини тўлдиришга сарфланарди. Дўконлардан эса оддий читдан тайёрланган кийим-кечак топиш ҳам душвор эди. Пахтанинг машаққатли меҳнати — ўзбекларники, ҳузури бошқаларники эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соҳадаги бундай кескин номутаносибликни бартараф этиш бўйича кенг қамровлиислоҳотлар бошланди. Бундан ўн йил бурун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган толанинг бор-йўғи саккиз фоизи тайёр ва ярим тайёр маҳсулотга айлантирилган бўлса, жорий йил охиригача бу кўрсаткич 24 фоиздан ошади. 2005 йилгача пахта толасининг қирқ фоиздан ортиғини мамлакатимизда қайта ишлаш режаси тузилган ва у муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Бундай улкан режаларнинг бажарилишида мамлакатимизнинг хорижий давлатлар ва компаниялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги муҳим омил бўлмоқда. Хорижлик сармоядорлар Ўзбекистоннинг

(Давоми 2-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «КАБУЛ-ФАРҒОНА КОМПАНИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Аввало, қадимий ва мўътабар Фарғона заминида туриб, барчангизни Фарғона тўқимачилик комбинати негизида хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда бунёд этилган, мана шу замонавий, кўзни қувонтирадиган, ҳашаматли ишлаб чиқариш мажмуасининг ишга туширилиши муносабати билан самимий табриклайман.

Қадрли дўстлар!

Бугун, ушбу тантанали маросимда қатнашаётган сиз, азизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, шу комбинат тақдири билан боғлиқ баъзи воқеалар беихтиёр ёдимга тушади.

Фарғона тўқимачилик комбинатининг тарихи Ўзбекистон тарихи билан чамбарчас боғлиқ, десак ҳеч қандай хато бўлмайди. Яъни, Ўзбекистон яқин ўтмишда қандай йўлларни босиб ўтган, қандай оғир ва мураккаб кунларни бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси мана шу комбинат ва унинг меҳнат жамоаси тақдирида ҳам акс этган эди.

Агар ўтмиш тарихимизга кўз ташлайдиган бўлсак, юртимизда қурилган, пахта толасини қайта ишлайдиган корхоналардан Тошкент ва Фарғона комбинатларини, кейинчалик улар қаторига қўшилган Андижон, Бухоро ва Намангандаги корхоналарни бармоқ билан санаш мумкин эди.

Бу комбинатларда ўрнатилган дастгоҳ ва ускуналар, ишлатилган технологиялар, умуман, ишчиларга яратилган шарт-шароит, ҳатто энг оддий талабларга ҳам жавоб бермайдиган даражада бўлганини, ишчиларнинг умри чанг-тўзон, шовқин-сурон цехларда ўтганини шу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади.

Саксонинчи йилларга келиб бу борада яна бир бемаъни иш бўлдики, у ҳам бўлса — ёши улуғ одамларимиз буни ҳам яхши билади — туманларда мана шу комбинатларнинг нобоп, бирон-бир сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга мутлақо ярамайдиган филиаллари ташкил этила бошлади.

Бу филиалларда на бир шароит, на бир инфратузилма бор эди.

Ёзда иссиқ, қишда совуқ, ҳеч кимга керак бўлмаган эски дастгоҳлар ўрнатилган бу биноларда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш у ёқда турсин, умуман одам боласи қандай ишлаши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эди.

Яқин ўтмишимизда бошимиздан кечирган мустабид ва қарамлик даврида ҳаётимизда ҳукмрон бўлган мана шундай бизларни камситиш ва менсимаслик ҳолатларини эслаганда, бугун ҳам одамнинг кўнгли хира тортиб, диққати ошиб кетади.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида бўлган пайтда Марказ учун арзон хомашё минтақаси бўлиб хизмат қилган.

Бунинг яққол тасдиғини пешона теримиз билан ўстириб, "оқ олтин" деб ном олган пахтамизни сувтекинга сотиб, фақатгина 8 фоизи қайта ишлаш учун ўзимизда қолдирилганида ҳам кўриш мумкин.

Мен Фарғона тўқимачилик комбинатининг иш фаолияти билан илгаритдан таниш бўлганим учун, кўпчилик қатори, "Қани энди, бу ерга ҳам тараққий топган давлатлардаги каби илғор технологиялар, замонавий ускуналарни олиб келсак, бизнинг қиз-жувонларимиз ҳам қулай, озода, ёруғ биноларда ишлаб, қилган меҳнатларига муносиб ҳаёт кечирса", деб орзу қилар эдим.

Бундай эзгу орзу-умидларнинг ушалишига мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгани боис ўз бойликларимиздан ўзимиз фойдаланиб, ўз тақдиримиз ва ҳаётимизни ўз хоҳиш-иродамизга қараб қуриш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлганимиздан сўнг шарт-шароит пайдо бўлди.

Эски мустабид тузим бизга мерос қилиб қолдирган бирёқлама шаклланган иқтисодиётни ўзгартириш, уни ўз халқимиз манфаати учун, келажак авлодлар учун хизмат қилдириш йўлига ўтказиш, замон талабларига жавоб берадиган янги корхоналарни қуриш имкониятлари вужудга келди.

Биз бу оғир меросдан халос бўлиш учун бугунги кунда фақат хомашё эмас, аввало, шу хомашёдан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотни хорижга сотиш ва шунинг ҳисобидан, биринчидан, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотини кўпайтириш, бунинг натижасида эса катта даромад топиш, иккинчидан, ўз юртимизда, ўз Ватанимизда янги иш жойларини ташкил қилиш, ишсизликни кескин камайтириш муаммосини ечишга эриша оламиз.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ва нуфузини юксалтириш, давлат ҳамда халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссалари учун қуйидагиларга **"Ўзбекистон Қаҳрамони"** унвони берилиб, олий нишон — **"Олтин Юлдуз"** медали топширилсин:

**Мухамадиев Рахман Оманович** — Вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош врачи, Сурхондарё вилояти

**Мўминов Қабул** — Муборак газни қайта ишлаш заводи темирчиси, Қашқадарё вилояти

**Пак Вера Борисовна** — Хива шаҳридаги 20-"Меҳрибонлик уйи" директори, Хоразм вилояти

**Ризаев Тожибой** — Паркент тумани "Заркент" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Тошкент вилояти

**Утениязов Алланияз** — Нукус тумани "Саховат" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 23 август.



Пак Вера Борисовна



Ризаев Тожибой



Мухамадиев Рахман Оманович



Мўминов Қабул



Утениязов Алланияз

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

**Мамлакатимизнинг халқаро обрўси ва нуфузини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, мудофаа қудратини юксалтириш, сарҳадларимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва тотувликни қарор топтириш, жамоат тартибини ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни амалга ошириш, ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш борасида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган ватандошларимизнинг меҳнатларини муносиб тақдирлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан:**

1. "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи тасдиқлансин ("Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони тўғрисидаги Низом ва унинг тавсифи илова қилинади).





**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 18 июл.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 июлдаги ПФ-2899-сонли Фармонига 1-илова*

## "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони тўғрисида НИЗОМ

1. "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони билан мамлакатимизнинг халқаро обрўси ва нуфузини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, мудофаа қудратини юксалтириш, сарҳадларимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва тотувликни қарор топтириш, жамоат тартибини ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни амалга ошириш, ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш борасида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган зиёлилар, фан ва маданият намоёндалари, ишчи ва хизматчилар, жамоа хўжаликлари аъзолари, тадбиркорлар, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқалар тақдирланадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар "Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги" эсдалик нишони билан ушбу Низомнинг биринчи бандида кўрсатилган хизматлари учун тақдирланиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

*«Шу азиз Ватан — барчамизники»*

## ЭЛИ ҲУРДИР, ҚЎЛИ ГУЛДИР ҚОРАҚАЛПОҚНИНГ...

***Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Бадиий академия ва Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ўтказган фестивал буни яққол кўрсатиб берди***

Бадиий академия марказий кўргазмалар зали биноси олдига Оролбўйидан келтириб тикилган ўтовларнинг ўзи қорақалпоқ халқининг ўзига хос азалий санъати намуналари ҳисобланади. Ўтовларнинг ҳар бир керагаси, ҳар бир безагида ушбу халқ усталарининг маҳорати мужассам. Не бахтки, XX асрда ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган қорақалпоқ халқи ўтовдан оламга қадам ташлаб бугунги ёруғ кунларга етиб келди. Айниқса, истиқлолнинг ўн йили давомида Қорақалпоғистон саноати, қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда маънавият ва маърифат изчил ривожланди. Мустақиллик қорақалпоқ санъатининг барча турлари учун тараққиёт эшикларини кенг очиб берди.

Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётда эришган ютуқлар, бой маданий мерос ўз аксини топган. Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров кириш нутқи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди раиси Б. Эшонов, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти соҳиби, шоира Г. Матёқубова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Қ. Исмоилов мустақиллик шарофати билан тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олган Қорақалпоғистоннинг шонли ўтмиши, бунёдкорлик руҳи билан суғорилган бугунги куни, нурли эртаси тўғрисида сўз юритдилар.

Фестивал кўргазмасидан истиқлол фарзандлари ҳисобланган «Элтекс», «Персей», «Айс-Жайҳун» каби қўшма корхоналар, Хўжайли шиша, Нукус мармар, консерва заводларининг рақобатбардош маҳсулотлари ўрин олган.

Бугунги Қорақалпоғистон турмушига оид фотокўргазмада республиканинг чирой очган жамоли, ислоҳотларда фаол қатнашаётган меҳнат жамоалари, пешқадам кишиларнинг ибратли ишлари ифодаланган.

Фестивал меҳмонлари И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг Франция, Германия каби ривожланган мамлакатлар санъат мухлислари эътиборини қозонган экспонатларини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

Қорақалпоғистонда тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик ҳам ўзига хос довонларни эгалламоқда. Кўргазмадан ўрин олган асарлар орасида Ўзбекистон Бадиий академияси ҳақиқий аъзолари Ж. Изентоев, Ж. Қуттимуратов, мусаввир ва ҳайкалтарошлардан Д. Тўрениёзов, М. Худойберганов, Б. Серекеев, С. Бойбўсинов ва бошқалар қаламига мансуб дурдоналар бор.

Фестивалда Қорақалпоғистон санъат усталари, ижрочи ёшлар куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этдилар. Айниқса, куни кеча «Ниҳол» мукофотини олган М. Ўтемуратовнинг чиқиши чинакам олқишларга сазовор бўлди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## М.Ф.Очиловни Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Мирсобит Фозилович Очилов Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 23 август.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## М.Ф.Очиловга Биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Мирсобит Фозилович Очиловга Биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил дипломатик мартабаси берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 23 август.

Фармон ва шарҳ

# ХАЛҚ ХОТИРАСИ АБАДИЙ

## Эзгулик, бағрикенглик ва меҳр-оқибат ҳақида



Лутфихоним Саримсоқова; Мукаррама Турғунбоева; Шукур Бурхонов; Тамарахоним (Петросова Тамара Артёмовна); Садриддин Айний; Мақсуд Шайхзода; Миртемир (Турсунов Миртемир); Миркарим Осим (Осимов Миркарим)



Ўрол Тансиқбоев; Чингиз Ахмаров; Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов; Маннон Уйғур (Мажидов Маннон); Кузнецова Мария Александровна; Аббос Бакиров; Уста Ширин Муродов; Наби Ғаниев; Муроджон Аҳмедов

**Дунёда яхшилик ва ёмонликнинг, гуноҳ ва савобнинг фарқига бормаган, эзгулик илмидан бехабар бўлган инсон, у ким бўлишидан қатъи назар, жамиятга ҳеч бир фойда келтирмайди. Аксинча, ҳатто тараққиётга тушов бўлиши, элига кулфат келтириши мумкин.**

**Бундай аянчли кўргуликлар тарихда бот-бот содир бўлган. Бунга мисол излаб узоққа бориш шарт эмас. Ўз вақтида шўро империяси аҳолининг бутун-бутун қатламларини оммавий равишда қириб ташлагани фикримизнинг далилидир. Етмиш тўрт йил мобайнида дунёнинг ярми бу разил сиёсат одамларни қандай қон қақшатганига, неча авлодларнинг онгини заҳарлаб, неча халқларнинг ҳаётини издан чиқариб юборганига тирик гувоҳ ҳамда иштирокчи бўлиб яшади. Миллатларнинг ҳаёт тарзи тескари айланиши, халқлар ўз она тилини, ўз тарихи ва урф-одатларини унута бошлаши “ривожланган социализм” дея онгу шуурга сингдирилди.**

Эсингизда бўлса, ҳатто яқин-яқинда, саксон олти-саксон еттинчи йилларда ҳам китоблар қайта-қайта “тозаланиб”, Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ, Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди каби шарафли исмлар, “хон”, “хўжа” каби сўз қўшимчалари ўчириб ташланди, ўқитувчини “домла” дейиш, дафн маросимида чопон ва дўппи кийиш, бел боғлаш, жаноза ўқиш таъқиқлаб қўйилди.

Доимо даҳшат солиб келган бу ёвуз сиёсат кишиларни ўз тақдиридан қўрқиб яшашга маҳкум этди. У билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас эди, албатта. Шу маънода тарих олдида, халқни у дучор этган фожиалар олдида барчамиз бирдек тақдирдошмиз.

Яқин ўтмишга хос бўлган хунук иллатлардан бири шуки жамиятнинг пешқадам вакиллари — қалам аҳли ва зиёлилар инқилобий синф ва буржуазияга, оқларга ва қизилларга, дўст ва душманга ажратилган. Бу сиёсий “ўйин” зиёлиларни гуруҳ-гуруҳларга бўлиб ташлаш билан чекланиб қолмаган, албатта. Бўлинганлар бир-бирига қарши қўйилган, бири кетма-кет сийланган, бири эса “адашган”га, “ёт оқим”га чиқарилган, камситиб ерга урилган....

Одамлар ҳам теварак-атрофида содир этилаётган воқеа-ҳодисаларга унинг илдизларидан, кўрган-билганларидан келиб чиқиб эмас, балки ўқиган ва эшитган тарғибот-ташвиқотдан иборат фикрлар асосида хулоса чиқаришга одатланган, натижада шароитнинг ўзи уларни бир-биридан шубҳа қилиб, бир-биридан нуқсон қидириб, бир-бирига тиш қайраб яшайдиган ҳолатга солиб қўйган. Сиёсат юзага келтирган ўзаро ишончсизлик оқибатида кишилар ҳаловат - нима, билмаган, ҳар ким ўзини, ўз тинчини ўйлаган. Бундай хавотирли вазиятда эса зиёлиларнинг бир эзгу мақсад атрофида бирлашиши, бир ёқадан бош чиқариб, улуғ ғоялар ҳақида ўйлаши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди, албатта.

Чўлпоннинг қуйидаги ҳасрати бу ҳолатни ўзида тўла ифода этади: *“Бизда шодлик ва руҳ бўлмагани учун бир ишни қиламиз, деб энди ўйлаганимизда, ўй йўқ: фикрлар сочилуб, ақлларимиз паришон бўлуб кетар”*.

Мана шу жаҳолат кишилик жамияти катта тараққиёт йўлини босиб ўтган ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигига қадар турли хил кўринишларда давом этиб келгани бугун, ўйлаб қарасангиз, одамни ҳайрон қолдиради. Энг аянчлиси, бу даврнинг жароҳатлари, йўқотишлари, ситам ва кулфатлари беададдир. Ҳақсизликдан мазлумнинг дарду оҳи доимо фалакка ўрлаб турди...

Озодликнинг дастлабки йилларида Президент Ислом Каримов мустақиллик, ҳуррият халқимизга ниҳоятда қимматга тушганини уқтириб, **“Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак!”**-дея ният қилган эди. Ўтган йиллар мобайнида бу борада кўпдан-кўп эзгу ишлар амалга оширилгани кишини хурсанд этади. Нимага деганда, бу ўзгаришлар тасаввуримизда сақланиб қолган тушунчаларга ислоҳ киритмоқда, адолатнинг тантанасига хизмат қилмоқда.

Абдулла Қодирий, Фитрат ва Чўлпонга мустақилликнинг дастлабки кунларида Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди, Абдулла Қодирий мамлакатимизда биринчилардан бўлиб Ватаннинг юксак мукофоти — “Мустақиллик” орденига муносиб кўрилди...

Биз бугун кўнгилга ойдинлик олиб кирган бундай ибратли мисолларни истаганча келтиришимиз мумкин. Шароф Рашидов номининг оқлангани, арбоб ва адиб сифатида мавқеи қайта тиклангани, ўтган йили эса Президент Фармонига кўра Ғафур Ғулом, Мулла Тўйчи, Аброр Ҳидоятов, Ойбек, Муҳиддин Қориёқубов, Абдулла Қаҳҳор, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Ботир Зокиров каби унутилмас сиймолар Ватанимизнинг юксак мукофоти — “Буюк хизматлари учун” орденига муносиб кўрилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бу — эътибор. Бу — меҳр-оқибат. Бу — фақат ўтганлар хотирасига ҳурмат эмас, балки авлодлар учун ҳам ибрат намунасидир.

Одамзот дунёдан ўтгач, эл-юртнинг тилида яшаса, хизматлари эсланса, эъзозланса, руҳи поклари шод бўлса, бунинг қадрига нима етсин?!

— Ўз ҳаёти, ҳалол меҳнати ва ўлмас ижоди билан эл-юртга хизмат қилган, халқ деб яшаган, халқ деб жонбозлик кўрсатган инсонлар хотирасига юксак меҳр ва эҳтиром кўрсатилиши, уларнинг руҳи поклари шод этилиши энг эзгу, энг олижаноб ишлардан бири эмасми, ахир?

Инсон меҳнатининг қадр топиши, эъзозланиши эмасми бу?!

Мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида Президент Фармони билан Ҳожи Абдулазиз, Тамарахоним, Садриддин Айний, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Миркарим Осим, Ўрол Тансиқбоев, Шукур Бурхонов сингари халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган улуғ санъаткорлар, атоқли адиб ва шоирлар “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлангани қанча кўнгилларга равшанлик олиб кирди, қанча кишилар хотирасида унутилмас эсдаликлар қўзғади...

Шогирдлари, ўзбек шеъриятининг бободеҳқони, деб эъзозлаган Миртемир она Ватанни чексиз бир муҳаббат билан доимо улуғлаган, ўша машаққатли йилларда: **“Ё ўлим, ё озод ҳаёт биз учун, Виждон ўзгасини рад этар бутун!”** — дея ёниқ сатрлар битган.

Миркарим Осим-чи? Бугун бу камтар, камсуқум адиб ҳақида гап очилса, қамоқдаги одатидан умрининг охиригача воз кеча олмагани, доимо ўзини четга тортиб, ҳатто даҳлизда ҳам елкаси деворга тегай-тегай деб юргани эсга олинади. Аслида, бу — даҳшатли фожиа, инсоннинг синдириб ташланиши, яккалаб, четга суриб қўйилиши эмасми, ахир?

***Улуғ Темур авлодиман,***
***хоҳ бўлсам-да озари,***
***Табаррук зиёратгоҳ менга***
***унинг мозори,*** —

деган ёлқинли сатрлар Мақсуд Шайхзода томонидан ўттизинчи йилларда битилган. Кейинги даврнинг беомон сурonлари ҳам шоирни ўз эътиқодидан қайтара олмади. Шунинг самараси ўлароқ она-Ватан, эл-юрт озодлиги учун даҳшатли жангларнинг оловли гирдобига кирган, ўз халқининг шон-шарафи йўлида фидойилик кўрсатган тенгсиз боболар ҳақидаги “Жалолиддин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” каби мумтоз тарихий драмалар юзага келди. Биз шу асарларни, Миркарим Осимнинг улуғ аждодларимиз тарихий сиймоси жонлантирилган “Широқ”, “Тўмарис”, “Темур Малик”, “Ўтрор”, “Алишер ва Дарвешали” каби қисса ва ҳикояларини ўқиб вояга етганмиз. Бутун бир авлодларга маърифат улашган бу зотлар кўзи тириклигида муносиб эҳтиромга сазовор бўлганми ўзи?!

***Мен ўтган йўл шиддатлик,***
***Беаёв бўлган эди,***
***Ҳар фарсаҳда миннатлик,***
***Сўқув дов бўлган эди.***
***— Созингни жаранглатма!***
***Тиндир! — дедилар бир кез.***
***Тиндирсам: — Нодон гўдак!***
***Синдир! — дедилар бир кез...*** —

деб ёзади Миртемир. У “советларга қарши фаолияти учун” 1932 йилда қамалган, эллигинчи йилларда эса Ёзувчилар уюшмасидан ўчирилган. Мақсуд Шайхзода эса 1928 йили ўз юртидан бадарға қилинган, 1951 йили “миллатчи” сифатида қатағон этилган. Миркарим Осим ҳам икки марта қамалиб чиққан. Шунинг учун ҳам мустабид тузум уларга ёт назар билан қараган...

Бу қадим дунёда ҳеч қачон эскирмайдиган, кўнгилларга доимо мунавварлик бағишлайдиган қадриятлар ҳам мавжудки, шулардан бири, ҳеч шубҳасиз, эзгулик ва карамдир. Агар биз инсоният тарихига назар ташласак, ундаги буюк тараққиёт даврларида мардлик ва матонат, илм-маърифат, ватанпарварлик, яратувчилик, бир сўз билан айтганда, эзгулик илми ниҳоятда қадрланганига гувоҳ бўламиз. Бугун Маннон Уйғур, Уста Ширин Муродов, Мария Кузнецова, Наби Ғаниев, Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррама Турғунбоева, Аббос Бакиров, Муроджон Аҳмедов каби сиймолар Ватаннинг мўътабар сийловига муносиб кўрилган экан, бу — бежиз эмас, албатта. Улар ўз вақтида халқимизга фарзандлик бурчларини қўлларидан келганича адо этишган, ўзларидан из қолдиришган. Истиқлол байрами арафасида халқимиз уларнинг номини ардоқлаб тилга олаётган экан, бу ҳиммат ва одамийлик, ҳеч шубҳасиз, кексаю ёшлар, авлодлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибатни янада кучайишига хизмат қилади. Бу — оталар хотирасига, уларнинг хизматига кўрсатилаётган эҳтиром тимсолидир.

Бугун биз Ўрол Тансиқбоев ва Чингиз Ахмаров яратган мумтоз санъат асарларини бир-бир хаёлдан ўтказаяпмиз, Аббос Бакиров яратган образлар кўз олдимизда жонланаётир...

Бу зотлар ким бўлишидан, қайси миллатга мансуб эканидан қатъи назар, шу азиз Ватан барчамизники, деб билган, эл-юртга, адабиёт ва санъатга сидқидилдан хизмат қилган. Шу туфайли халқимиз юрагидан муносиб жой олган ва унинг меҳрига сазовор бўлган. Ҳаммамиз ҳам қачондир шу булоқлардан сув ичганмиз ва, бу шарафга улар муносиб, деб биламиз.

Президентимизнинг ташаббуси билан бу зотларнинг барча-барчаси бир кўзда кўрилиб, ёмони яширилиб, яхшиси оширилиб, хизматлари қадрланаётган, уларнинг хотираси олдида бош эгилаётган экан, шунинг баробарида адабиётимиз ва санъатимизнинг бу намояндалари, уларнинг ўлмас ижоди ёш авлодга қайтадан тақдим этилмоқда.

Нимага деганда, ҳозирги ёшлар “Қурбон ўлам”ни берилиб тинглашади, аммо бу ашула Хожи Абдулазиз номи билан чамбарчас боғлиқ эканини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Мураккаб ашула йўлларини ўз овозига мослаб, зўр маҳорат билан ижро этган бу зот ўзига хос мактаб яратган машҳур ҳофиз ва бастакордир. У кўплаб мақомлар каби “Ушшоқ” йўлларига Намуди Уззал авжини басталаб, унинг таъсирчанлигини янада оширган, шу боис кейинчалик бу мақом “Самарқанд ушшоғи” номини олган. Мухтор Ашрафий, Юнус Ражабий, Мутал Бурхонов, Дони Зокиров сингари ўнлаб улкан бастакорлар ўз вақтида ундан таълим олишган...

Хўш, Мария Кузнецова ҳақида ўғил-қизларимиз нималарни билишади? Бу санъаткор Ҳамза номидаги академик драма театри саҳнасида қатор ўзбек аёлларининг жонли образини яратган. Бу — ўрганса, ибрат олса, арзигулик ҳодиса эмасми?

Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат опера ва балет катта академик театри биносига кириб кўрганмисиз? Ички заллар ўзининг бетакрор шарқона жозибаси билан кишини маҳлиё этади. Миллий меъморчиликнинг нафис жилолари муҳташам залларга бетакрор фусун ва тароват бағишлаб турибди. Бу санъат обидаси ўзининг мукаммаллиги билан кўнгилга ҳайрат солади, беихтиёр: “Тасанно!”-дейсиз. Шундай пайтда унинг меъмори ким экани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Уста Ширин Муродов ҳақида нималарни биласиз?..

Ёки бўлмаса, “Тоҳир ва Зуҳра”дек дурдона фильм қачон яратилганини биласизми?

Уруш йилларида миллий киносанъатимизнинг қалдирғоч асарларидан бири бўлмиш бу фильмни яратиш атоқли кинорежиссёр Наби Ғаниевга осон бўлмаган бўлса керак? Бу қанча матонат, қанча фидойилик талаб этади?..

Тамарахоним, Маннон Уйғур, Шукур Бурхон, Мукаррама Турғунбоева...

Бу зотлар ҳам ўз-ўзидан миллий санъатимиз ифтихорига айланган эмас. Бири — рақс санъатини дунёга кўз-кўз этган, бири — “Алишер Навоий”, “Муқанна”, “Отелло”, “Ҳамлет” каби забардаст асарларни саҳналаштириб, театр санъатининг қаддини кўтарган, бири - ўлмас образлар яратиб, томошабинларни ҳайратга солган, яна бири эса “Баҳор” рақс ансамблини барпо этган, ўзига хос рақс санъати мактабини яратган...

Ижодий муҳит сиёсийлашган, ғоявийлик ҳукмрон бўлган мураккаб бир даврда тақдири оғир кечган бу устозларни ёд этиш, уларнинг ижодига - бой маънавий меросимизга ҳурмат билан муносабатда бўлиш сиз билан биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бугун Ватан устозларни шарафлаётган экан, бу — уларнинг миллатимиз равнақи йўлида қилган хизматлари, маданиятимиз тарихида тутган ўринлари, буюк хизматлари янги тарих саҳифаларига алоҳида қайд этилаётганидан далолат беради. Бундан эса, ўз навбатида, элим деб, юртим, деб ёниб яшаган, ўзидан ўчмас из қолдирган инсонлар хизмати ҳеч қачон унутилмайди, Ватан уларнинг номини доимо ардоқлайди, деган мантиқий хулоса келиб чиқади. Ёшларимизни фидойиликка, меҳр-оқибатли бўлишга, элга сидқидилдан хизмат қилишга ундайди. Шу билан бирга биз битмас-туганмас маънавий мерос соҳиблари эканимизни эсга солиб туради.

Бу эзгу амал истиқлол йилларида амалга оширган, эндиликда анъанага айланган кенг кўламли савоб ишларнинг узвий давомидир. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний каби қатор улуғ аждодларимиз, шунингдек, Ватан озодлиги йўлида фидо бўлганлар, қатағон қурбонлари хотирасига халқимиз кўрсатган буюк эҳтиром, уларнинг шаънига бунёд этилган муҳташам обидалар, кўркам зиёратгоҳлар миллатимиз ўз даҳоси тимсолларини доимо бошида кўтаришидан, эъзозлашидан далолат беради, албатта.

Фарзандларимиз учун ибрат бўлиб хизмат қиладиган бу хосиятли ишлар замирида Президентимизнинг: — **Биз Ўзбекистон аталмиш бир оила фарзандларимиз, келинглар, ўз ўтмишимиздан хулоса чиқарайлик, бир-биримизга нисбатан доимо бағрикенг, меҳр-оқибатли бўлайлик!** — деган даъвати мужассамдир.

Зеро, инсонга хос энг олижаноб фазилат — раҳм-шафқат, меҳр-мурувват, ҳиммат ва оқибатдир.

Бу ёруғ оламда инсондан нима қолади ўзи?

Инсондан яхшилик қолади, мардлик ва матонат, мумтоз асарлар, барпо этилган боғ-роғлар, шаҳар ва қишлоқлар, хайрли ва олийҳиммат ишлар қолади...

---

Олий Мажлис сессияси олдидан

# Меъморий ёдгорликлар — миллат мулки

## Сурхондарёда 17 та меъморий ва 350 та археология иншоотлари мавжуд бўлиб, барчаси давлат муҳофазасига олинган

Олий Мажлиснинг бўлажак олтинчи сессияси кун тартибидан ўрин олган «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси айни пайтдаги долзарб масалалардан, деб ҳисоблайман. Чунки, бу ниҳоятда эътиборталаб соҳадир. Мустақил республикамизда қанчадан-қанча тарихий обидалар мавжуд. Улар ўзининг бой тарихи, сержилолиги билан бутун дунёнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Биргина Сурхон воҳасида 17 та меъморий, 350 та археология иншоотлари мавжуд. Ал-Ҳаким ат Термизий, Султон-Саодат, Қирққиз, Кокилдор ота, Абу Исо Термизий, Жарқўрғон минораси каби тарихий ёдгорликлар IX-XI-XII-XIV асрлар қаъридан сўзлайди. Шўролар тузуми даврида харобага айланган бу обидалар Оллоҳга минг бора шукроналар бўлсинким, Мустақиллик шарофати ила қайта тикланмоқда. Термизнинг 2500 йиллик тантаналари олдидан Ал-Ҳаким ат Термизий, Қирққиз, Кокилдор ота, Шерободдаги Абу Исо Термизий мақбаралари, Термиз шаҳридаги А. Невский номли рус-провослав ибодатхонаси каби тарихий ёдгорликлар таъмирланмоқда. Уларда ҳукуматимизнинг доимий ёрдами билан 270 миллион сўмлик иш бажариш режалаштирилган. Ҳозирги пайтда республикамизнинг барча вилоятларидан 150 га яқин қўли гул моҳир усталар ишламоқдалар.

Бундан ташқари Қора тепа, Фаёз тепа, Кўҳна Термиз қалъаси, Жарқўрғон шаҳристони каби археология иншоотлари хорижлик қадимшуносларнинг нигоҳини ўзига тортмоқда. Мана, 9 йилдирки, Като Кюдзо бошлиқ Ўзбекистон-Япония, профессор Пер Лериш бошлиқ Ўзбекистон-Франция ҳамда доктор Дитрих Хуфф бошлиқ Ўзбекистон-Олмония қўшма экспедициялари ҳамкорликда қазишма ишларини олиб боришмоқда. Айниқса, Шерободдаги Жарқўрғон шаҳристонидан топилган ашёлар ўзбек давлатчилиги тарихини 3-3,5 минг йил нарига суриб юборди, десак муболаға бўлмайди. Бу ердан топилган Бронза даврига оид кичик металлургия заводи бизнинг авлод-аждодларимиз ўтмишда нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноат билан ҳам шуғулланганлигини исботлади. Бу Юртбошимизнинг бундан икки йил бурун соҳа олимлари олдига қўйган талабига ёрқин жавобдир, десак хато бўлмайди. Япония қадимшунослари ҳам Қоратепа ва Фаёзтепада катта илмий изланишлар олиб боришиб, бу ерларни қадимда буддавийликнинг йирик маданият марказларидан бўлганлигини амалда исботладилар.

Хуллас, Сурхон воҳасини ҳали очилмаган қўриққа қиёслаш мумкин. Бу ерда бағрида қанчадан-қанча хазиналарни яшириб ётган ва ўз эгаларини кутаётган археология иншоотлари бисёр. Иншоолло, мустақиллигимиз туфайли ҳали буларнинг ҳаммаси юзага чиқади. Олий Мажлис сессиясида қабул қилинадиган янги Қонун бу йўлда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, деган умиддаман.

**Хурсанд ПРИМҚУЛОВ,**
**Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими бошлиғи.**

---

# «МИЛЛИЙ ЭТАЛОНЛАР» МАРКАЗИ

**Сифатли, бежирим, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулотни кўрсак, кўзимиз қувнайди, хурсанд бўламиз. Албатта, уни ишлаб чиқарган корхона жамоасига тасаннолар айтамиз. Лекин бунда «Ўздавстандарт» маркази ходимларининг улуши борлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Шунингдек, ҳаммамиз барча жойда — транспортдами, корхонадами, хизмат кўрсатиш соҳасидами, аниқликни, сифатли хизмат кўрсатилишини истаймиз.**

Аммо бу ишда ҳам мазкур марказнинг ҳиссаси борлигини сезмаймиз. Ваҳоланки, сотувга қўйилган барча маҳсулотларнинг ёрлиғида давлат стандартидан ўтганлиги тўғрисида ёзув бор. Кўриниб турибдики, мазкур жамоа ўта масъулиятли, шу билан бирга, хайрли вазифани амалга ошириб келмоқда.



Айни чоғда «Ўздавстандарт» маркази мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, бу борада амалга оширилаётган ишларнинг ҳам йўналишини белгилаб бермоқда. Шу боис республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлиги, экспорт имкониятларини ошириш борасида юқори натижаларга эришилаяпти.



Кеча Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификациялаш марказида «Миллий эталонлар» марказининг муҳташам биноси фойдаланишга топширилди. Шарқ архитектураси ва замонавий услубда қурилган бу марказ АҚШ, Франция ва Швейцария каби ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситалари билан жиҳозланган. Термостатланган хоналарда зарур иқлим шароитлари таъминланган. Бу ерда республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун керак бўлган ҳамма турдаги энг замонавий асбоб-ускуналар мавжуд.

Давлат стандартлаш маркази ходимларига яратилган бундай қулай шароит ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини янада оширишда муҳим омил бўлишига шак-шубҳа йўқ.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** марказ биноси очилишидан лавҳалар.

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ** олган суратлар.

# «ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО» УЮШМАСИ







Бир неча кундан кейин гўзал
юртимизга катта байрам кириб келади.
Кекса тарих олдида ўн йил ҳеч қанча
гапмас. Лекин Ўзбекистон шу ўн
йил ичида улкан ютуқларни қўлга киритди,
ўзининг шонли тарихига унутилмас,
ёрқин саҳифалар очди.



Юртимиз озод, халқимиз миллий истиқлолига эга, Ватанимизда тинчлик.
Ёруғ ниятлар билан иморатлар тикланаяпти, йўллар солинаяпти.
Бу байрам қутлуғ келсин. Юртимиз замини саховатли
бағрини очиб, элга ризқ улашсин.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги билан табриклаймиз!
Мамлакатимиз барча аҳолисига бахт-саодат, эзгу мақсадларнинг
амалга ошиши йўлида омадлар тилаймиз!



4623

*Банк тизими*

***Республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланаётган айни кунларда ҳар биримиз тарихан жуда қисқа, бироқ мазмунан жуда машаққатли ва сермаҳсул бўлган истиқлол йилларига назар ташлаб, юртимиз ҳаёти ўта муҳим воқеаларга бой бўлганлигини беихтиёр эътироф этамиз. Мустақиллик йилларида эришилган ва бугун бутун дунё тан олаётган ютуқларимиз омиллари ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, республикамиз иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлган банк тизими нафақат ўз тузилмавий таркибини ўзгартирганлиги, балки иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилишида «локомотив» ролини оғишмай бажараётганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.***

***Ўтган давр ичида, айниқса, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар, банкларнинг молиявий салоҳиятини янада юксалтириш, уларнинг фаолиятларини тубдан такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, сифат ва маданиятини оширишга йўналтирилган Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда бошқа меъёрий қўлланмаларнинг қабул қилиниши банк тизимининг иқтисодиётдаги ўрни ва роли беқиёс эканлигини кўрсатмоқда.***

# Истиқлол йиллари — тараққиёт пойдевори

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳукуматимиз банк тизими олдига қўйилган қатъий вазифалар, муҳим мақсадларни белгилаб берди. Вақт эса иқтисодиётнинг барча жабҳаларида ўтказилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган икки поғонали банк тизимининг яратилгани, миллий валютанинг муомалага киритилгани ҳамда унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилгани нечоғлик тўғри бўлганини тасдиқлаб турибди.

Республикамизда банк тизими фаолиятининг ривожланиб ва такомиллашиб бориши, турли мулкчилик шаклига асосланган банкларнинг ташкил этилиши банк хизматлари бозорида соғлом рақобатни юзага келтирди.

Молия бозорида ўз ўрни ва мавқеига эришиш йўлида, қолаверса, энг аввало, республика фуқароларини ижтимоий ҳимоялашга асосланган устувор сиёсат ва ўтказилаётган ислоҳотлар билан ҳамоҳанглик руҳида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикасининг йирик банкларидан бири — давлат-тижорат Халқ банки ҳам ўтган давр ичида туб ўзгаришларни бошдан кечириб, истиқлолнинг 10 йиллик шодиёналарини салоҳиятли банк сифатида қаршиламоқда. Бу банк 1992 йили собиқ Иттифоқнинг Меҳнат жамғармаси ва аҳолини кредитлаш банки таркибидан ажралиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки сифатида республика молия бозорида вужудга келди.

Мамлакатда мустақил пул тизимини яратиш учун 1993 йили оралиқ валюта сўм-купоннинг, 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб эса республикада ягона қонуний тўлов воситаси сифатида амал қиладиган миллий валютамиз — сўмнинг муомалага киритилиши, авваламбор, юртимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўлақонли давлат тарзида майдонга чиқишига, қолаверса, ўз ҳудудида эркин ва яхлит иқтисодиёт тизимини шакллантиришга асос яратди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида биз учун ўта муҳим бўлган ушбу вазифани бажаришда Халқ банкининг ҳам бевосита салмоқли иштирокини таъкидлаш ўринли, албатта. Тўққиз миллиондан зиёд омонатчиларнинг ҳисобварақларидаги маблағлари миллий валютага ўтказилгани фикримизнинг яққол далилидир.

Банкнинг аҳолига кўрсатилаётган хизматлари кўламини кенгайтириш ва асосий йўналиш фаолиятини таъминлаш мақсадида 1995 йил 4 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзжамғармабанк»ни Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкига айлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиндики, бу ҳужжат тизим фаолиятини янги босқичга олиб чиқди. Ушбу қарор нафақат банкнинг номини, балки мазмун ва моҳиятини, мақсад ва вазифаларини ҳам ёрқин ифодалаб берди.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш учун Халқ банкининг қўшимча 2,5 мингдан ортиқ шохобчалари очилди. Натижада у республика тижорат банклари ичида 206 та туман ва шаҳар, 6000 га яқин шохобча ва мини-банклари ҳамда ўн икки минг кишилик ходимлар жамоасидан иборат нуфузли банкка айланди. Мана, тўққиз йилдирки, жамоамиз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларининг амалга оширилишига кучли эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони талаблари банкимиз томонидан тўла бажарилди. 1996 йилнинг 1 июлига қадар унинг бўлимларида маблағлари бўлган беш миллионга яқин омонатчининг қарийб 3 миллионтасига индексация махсус дафтарчаси очилди ва индексация қилинган омонатларнинг қолдиғи 34,8 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу маблағлар қайта тикланиши билан бирга, банкнинг «талаб қилиб олгунча» омонат фоиз ставкаси бўйича мижозларга даромадлар ҳам бериб борилмоқда. Маблағлар 1996 йилнинг 1 июлидан 2005 йилга қадар босқичма-босқич тўлиқ тарқатилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунгача «Индексация» махсус ҳисобларидан аҳолига жами 36,2 млрд, сўмдан ортиқ маблағ тўланди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 1999 йил 13 январдаги ПФ-2177-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сонли, 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли қарорларига кўра, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пуллари, кўп болали оилаларга болалар нафақалари ҳамда қарамоғида 2 ёшгача фарзандлари бўлган оналарга белгиланган нафақаларнинг Халқ банки муассасалари орқали берилиши йўлга қўйилди. Аҳолининг ночор қатламлари — кексалар, ногиронлар, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш давлат дастури асосида белгиланган чора-тадбирлар ҳам банкимиз томонидан изчил амалга оширилмоқда.

Мисол учун, биргина 2001 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида кам таъминланган оилаларга 1,5 млрд. сўм берилди, шунингдек, 16,9 млрд. сўм миқдоридаги болалар нафақалари ва 2 ёшгача болали оналарга эса 3,2 млрд. сўмлик маблағлар муассасаларимиз томонидан тарқатилди. Айни чоғда Халқ банки ўз маблағлари ҳисобидан турли имтиёзли ва манфаатли банк хизматларини жорий этиш орқали ҳам мазкур аҳоли қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентнинг 2000 йил 7 декабрдаги «Давлат-тижорат Халқ банкини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида банкнинг Устав сармояси 10 млрд. сўмга етказилиши унинг истиқболли ривожланишига замин яратди. Умуман, ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган тадбирлар натижасида жами банк капитали қарийб 50 баробардан зиёд, активлари ҳажми эса 12 баробардан ортиқроқ кўпайди.

Маълумки, банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — бу аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишдир. Қувончлиси, бугунги кунда Халқ банкининг 7,3 миллионтадан кўпроқ омонатчилари мавжуд. Бошқача айтганда, унинг омонатчиси бўлмаган ёки банк хизматидан бирор марта ҳам фойдаланмаган оила йўқ, десак, асло муболаға бўлмайди. Биз буни жуда қадрлаймиз ва ўз сиёсатимизни белгилашда, молия бозорида ҳар қанақа ўзгаришлар юз беришидан қатъи назар, банкимиз Ўзбекистондаги энг қулай, энг ишончли, омонатчилар учун энг жозибали банк бўлиб қолишига ҳаракат қилаверамиз.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Халқ банки фақат жамғарма операцияларини бажариш билан кифояланган бўлса, сўнгги йилларда у жисмоний ва юридик шахсларга кенг кўламли замонавий ва бошқа қулай банк хизматларини ҳам тақдим эта бошлади. Банк универсаллашув сари дадил қадам қўйиб, хизмат маданиятини тубдан яхшилаш ҳамда унинг кўламини кенгайтириш эвазига тармоқлар сонини кўпайтириш, корпоратив мижозлар, деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектларини банк хизматидан фойдаланишга жалб қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Яъни, ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи микрофирмалар, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларини кредитлаш, юқори технологик ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар амалга оширилаяпти.

Республикада уй-жой қурилишини ривожлантиришга ҳам Халқ банки ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида якка тартибда уй-жой қурилиши учун 60 мингдан ортиқ фуқароларга 1,2 миллиард сўмдан зиёд узоқ муддатли кредитлар берилди. Жумладан, ушбу кредитларнинг қарийб 15,9 фоизи имтиёзли бўлиб, ана шу маблағ нафақахўрлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, Иккинчи жаҳон ва афғон уруши қатнашчиларига тарқатилди.

Шу билан бирга, Халқ банки Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича мамлакатимиз олий ўқув юртлари, коллежлар ва бошқа ўқув даргоҳларида контракт асосида таълим олаётган талабалар, ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Абитуриент» кредитларини жорий қилди. Ҳозиргача 250 нафар талабага 40 миллион сўмдан зиёд миқдорда кредит ажратилди.



Табиийки, молия секторида вужудга келаётган рақобат банкларда ўз истеъмолчиларига янгидан-янги хизматларни жорий этишни тақозо қилмоқда. Шу муносабат билан Халқ банки тизимида жисмоний ва юридик шахсларга ўз бойликлари, қимматли қоғозлари, нақд пуллар ёки ҳужжатларини бевосита банкда сақлашлари ва улар тўғрисида ортиқча ташвишга тушмасликларини кафолатловчи «Сезам» пўлат сандиқлари очилди. Мазкур хизмат ниҳоятда махфий бўлиб, халқимизнинг бойликларини «кўрпача остида» сақлаш одатидан воз кечишга ва бу ишни тажрибали профессионал «қўриқчиларга» ишониб топширишга имкон беради. Эндиликда бундай замонавий хизмат туридан республикамизнинг барча ҳудудидаги аҳоли фойдаланиши мумкин.

Ҳукуматимиз томонидан валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, 2000 йилнинг 1 июлидан бошлаб ваколатли банкларга биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валюта харид қилиш ва сотиш курсларини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилаш ҳуқуқи берилди. Ҳозирги кунда банк тизимида валюта операцияларида қатнашувчи банклар ва валюта айирбошлаш шохобчалари сонини кескин кўпайтиришга аҳамият берилмоқда. Халқ банкида эса бундай шохобчалар сони 300 тага етказилди.

Автоматлаштириш, телекоммуникациялар ва электрон тизимнинг ривожланиши туфайли 1999 йилда «ПК АИСКБ» дастурининг Халқ банки барча филиалларида татбиқ этилиши, унинг ўз бизнесини, аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ҳамда банк операцияларини сифатли ва тезкор бажаришга ёрдам берди. Халқ банкининг барча муассасаларида ахборотлаштириш жараёни, телекоммуникация тизимлари кенг кўламда жорий этилиши туфайли эса охирги назорат, омонатлар ва коммунал тўловлар дастурининг самарали ишлашига эришилди.

Банкнинг изчил ва барқарор фаолият юритиши, албатта, бевосита кадрлар сиёсатига ҳам боғлиқдир. Кўп минг сонли банк жамоасининг иш фаолияти учун етарли шароитнинг мавжудлиги, ходимлар малакасини доимий равишда ошириб туриш орқали халқимизга кўрсатилаётган хизматлар савиясининг юксалаётгани, қолаверса, банк ходимларининг фидокорона ва ташаббускорлик билан қилаётган меҳнати Халқ банкининг бундан буён ҳам жадал ривожланишига хизмат қилади. Зеро, чин маънода халқ банки бўлиш, яъни халқ ишончи ва ҳурматини қозониш, мижозларнинг энг кафолатли, ҳақиқий ҳамкори бўлиш орқали салоҳиятли молия институтини шакллантириш — бош мақсадимиздир!

Қисқаси, мустақиллик йилларида республикамиз банк тизимини тубдан ислоҳ қилишга мустаҳкам пойдевор қўйилди, банкларнинг бозор муносабатлари асосида фаолият юритишлари, мижозларга замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатишларига замин яратилди. Халқ банки тизимида амалга оширилган туб ўзгаришлар бундан мустасно эмас, албатта. Яна бир янгилик шуки, Халқ банкини 2001-2005 йиллар давомида ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, устувор йўналишлар белгилаб олинди. Ушбу дастурнинг қабул қилинишидан мақсад битта — у ҳам бўлса, мижозларга сифат жиҳатидан юқори даражада хизмат кўрсатиш, Ўзбекистоннинг биринчи даражали замонавий ва рақобатбардош банки мавқеига эришишдир.

Ишончим комилки, банкимиз ана шу улуғвор вазифаларни шараф билан адо этиб, яқин истиқболда нафақат республикамиз, балки Марказий Осиёдаги энг нуфузли ва молиявий барқарор банклар қаторидан жой олади.

**Ж. САЙФИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати.**

**ХАЛҚАРО БИЗНЕС МАРКАЗИ**

*Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан табриклайди!*

**Халқаро савдо-кўргазма мажмуаси Бизнес Маркази Ўзбекистоннинг ишбилармонлик олами калитидир.**

**Халқаро Бизнес Марказининг кўргазмалар залида ўтадиган «Ўзбекистон тасвирий санъати» кўргазмасига марҳамат.**

**Халқаро Бизнес Маркази тавсия этади:**
- ижара учун нуфузли ва шинам офислар;
- консалтинг ва бизнес хизматлари;
- конференц заллар, музокара хоналари, кўргазма зали, ресторан, кафетерий;
- замонавий алоқа йўналишлари, Internet, йўлдош TV;
- ҳимоя ва хавфсизликнинг ишончли тизими;
- ташқи ва ер ости автомобил тўхташ жойлари.

Манзил: Ўзбекистон, Тошкент ш., 700084, Амир Темур кўчаси, 107-Б (мўлжал: «Интерконтинентал-Тошкент» меҳмонхонаси ёнида).
Телефон (998-71) 137-09-34, факс 137-09-35. E-mail: lbc@uic.uz

*Азиз ҳамюртлар!*

# «ХОРАЗМ ТЕЛЕКОМ»

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



**сизларни қутлуғ байрам — республикамиз мустақилликка эришганлигининг 10 йиллиги муносабати билан самимий табриклайди.**






*Истиқлол дея аталмиш бу улуғвор сўз қадр-қимматини, унинг башарият учун энг олий неъмат эканлигини биз кун сайин тобора чуқурроқ ҳис қиляпмиз. Зеро, уни қуёшга менгзагимиз келади. Чунки офтоб курраи заминимизни ўзининг заррин нурлари ила мунаввар айлайди, жамики мавжудотга ҳаёт бахш этади. Истиқлол ҳам ана шундай бемисл куч-қудрат манбаидир.*

*У бизнинг қалбимизни чароғон қилди, вужудимизга илиқлик, тетиклик бағишлади, маънавиятимизни бойитмоқда.*

*Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида қўлга киритилган ана шу истиқлол туфайли биз ўзимизни ҳақиқатан ҳам бош ҳарфлар билан ёзилувчи Инсон сифатида англаб етдик. Ўзлигимизга қайтдик. Эрк ва озодликка эришдик. Бу халқимизнинг мустақиллик боис қўлга киритган энг катта ютуғидир. Шукроналар бўлсинки, бу йўлнинг энг тўғри ва энг мақбул йўл эканлигини бугунги ҳаётимиз, истиқлолдан буён ўтган қисқа вақт мобайнида эришган улкан ютуқларимиз, эзгу ва олижаноб ишларимиз, сиз, азиз юртдошларимизнинг бунёдкорлиги ёрқин ифодалаб турибди.*



***Шундай экан, бошимиз узра истиқлол қуёши абадий порлайверсин! Бу улуғ неъматни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш, қадр-қимматини ошириш бизга ва келгуси авлодларимизга насиб этсин!***

***Истиқлолимизнинг илиқ нафаси, тафти ҳар бир юртдошимиз хонадонида сезилиб турсин, боқийликка айлансин!***



**Истиқлол айёмининг байрамона шукуҳи, файзу таровати, хурсандчилик ҳеч вақт хонадонингизни тарк этмасин!**

**Сизларга беминнат телекоммуникация хизмати кўрсатиш, камарбаста бўлиш, узоғингизни яқин, мушкулингизни осон қилишдан биз ҳамиша мамнунмиз. Зеро, истиқлолни мустаҳкамлаш борасидаги хизматимиз, Ватанимиз равнақи йўлида қилаётган меҳнатимиздан мамнунлик кайфияти асло сўнмасин!**

## *Яна бир бор қутлуғ айёмимиз муборак бўлсин!*

4617

